ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИ: ИННОВАЦИЯ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИК

Исмаилов Жахонгир Баходирович
Макроиқтисодиёт ва худудий тадқиқотлар институти бош мутахассиси
E-Mail: j.ismailov@imrs.uz
https://doi.org/10.5281/zenodo.20095724

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимиз тўқимачилик тармоғининг 2025 йил якунлари, глобал бозор тенденциялари ва 2026 йилги устувор йўналишлар ўрганилган. Мақолада ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт кўрсаткичлари, хорижий инвестициялар, тармоқдаги асосий муаммолар (хомашё, молия, кадрлар, сертификатлаштириш) ва уларни ҳал этишнинг инновацион йўллари (Industry 4.0, 3D-дизайн, AI, яшил технологиялар, блокчейн) батафсил ёритилган. Шунингдек, тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш, бозорни диверсификация қилиш, рақамлаштириш ва халқаро стандартларни жорий этиш бўйича амалий таклифлар берилган. Мақола тармоқнинг 2026 йилдаги ривожланиш стратегиясини шакллантириш учун долзарб маълумотлар манбаи ҳисобланади.

Калит сўзлар: тўқимачилик саноати, инновация, рақобатбардошлик, Industry 4.0, экспорт, рақамлаштириш, GSP+, яшил технологиялар, сертификатлаштириш, синтетик хомашё, 3D-дизайн, техник тўқимачилик.

Мазкур маълумотнома **2025–2026 йиллар бўйича мамлакатда қабул қилинган ҳужжатлар**, **расмий статистика** ҳамда **глобал тўқимачилик бозори** маълумотлари асосида тайёрланди. Тармоқнинг ишлаб чиқариш, экспорт, инновация ва рақобатбардошлик кўрсаткичлари ҳамда 2026 йилги устувор йўналишлар таҳлил этилди.

I. ТАРМОҚНИНГ 2025 ЙИЛДАГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. 2025 йил якунига кўра тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми **134 трлн. сўм**га (2024 йилга нисбатан +6,9%) етди. Тармоқда хорижий инвестициялар **2,1 млрд.** АҚШ долларига ошди. Маҳсулотлар экспорти **75 та давлатга** йўналтирилди. Тармоқдаги асосий савдо ҳамкорлар қаторига Россия, Туркия, Беларусия, Қирғизистон, Қозоғистон, Хитой, Германия ва БАА каби мамлакатлар киради.

1-жадвал
Тўқимачилик тармоғида эришилган айрим иқтисодий кўрсаткичлар*

134 трлн. сўм Ишлаб чиқариш ҳажми (2025 й.)	**2,1 млрд. доллар** Хорижий инвестициялар (2025 й.)
2,5 млрд. доллар Тармоқ экспорти (2025 й.)	Экспорт мамлакатлар сони **75 та**
4,0 млрд. доллар 2026 йилги экспорт режаси (ПФ-4)	Тайёр маҳсулот экспорти ўсиши **+18,5%** (2025 й.)

**Манба: Президент матбуот хизмати, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги (2025 йилги маълумотлар асосида.)*

Тармоқда кийим-кечак ишлаб чиқариш кўрсаткичи 2024 йилга нисбатан **+21,7%** ўсишни кўрсатди. Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорти **+18,5%**га ошди. Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида тўқимачилик ва кийим-кечак ишлаб чиқариш

бўйича 2-ўринни сақлаб қолди. Ушбу натижалар тармоқнинг **хомашёдан тайёр маҳсулотга ўтиш стратегиясини** изчил амалга ошираётганидан далолат беради.

II. ГЛОБАЛ БОЗОР ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИК ТАҲЛИЛИ

Жаҳон тўқимачилик бозоридаги маҳсулотлар ҳамжми 2025 йилда **1,83 трлн.** долларга баҳоланган. 2026 йилда бу кўрсаткич 1,99 трлн. долларга ошиши ва 2035 йилга бориб **4,66 трлн.** долларга (ўртача йиллик ўсиши 9,8%) етиши кутилмоқда. Техник мақсадларда ишлатиладиган тўқимачилик маҳсулотлари бозори 2025 йилда **214,6 млрд**. долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2034 йилга бориб **330,5 млрд.** долларга ёки **154,0 фоизга** ўсиши прогноз қилинмоқда.

2-жадвалРақобатчи мамлакатлар билан солиштирма таҳлил*

Давлат	Экспорт	Жаҳон улуши	Рейтинг	Устунлик
Хитой	~$300 млрд.	36%	1-ўрин (МДҲ+Осиё)	IoT роботлаштириш
Бангладеш	$38,5 млрд.	~8%	2-ўрин (тайёр кийим)	EVA* (ЕИ бозори)
Ҳиндистон	~$40 млрд.	5%	6-ўрин (кийим)	45 млн иш ўрни
Вьетнам	$44 млрд.	~5%	ASEAN ўртасида 1-ўрин	CPTPP* имтиёзлари
Ўзбекистон	$2,5 млрд*	<1%	МДҲда 2-ўрин	GSP+ (ЕИ)

**Манба: Президент матбуот хизмати, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги (2025 йилги маълумотлар асосида),* EVA * - Economic Value Added (иқтисодий қўшилган қиймат)

CPTPP - Comprehensive and Progressive Agreement for Trans-Pacific Partnership

Маълумот учун: **Асосий тенденция.** Тўқимачилик маҳсулотлари глобал бозорида «тез мода»дан «секин мода»га ўтиш кучайиб бормоқда. Натижада GOTS, OEKO-TEX, Better Work, Organic EU халқаро сертификатлари стандарт талабга айланиб улгурди. **E-commerce** электрон платформаси орқали тўқимачилик сотуви жаҳон миқёсида 25%дан ошди (Хитой 2025 йилда ўртача 30% ўсишга эришди). Ўзбекистон 2021 йилдан GSP+ доирасида Европа бозорига **имтиёзли кириш** ҳуқуқига эга бўлди.

III. ТАРМОҚДАГИ АСОСИЙ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ВА УНИ ЕЧИМИ БЎЙИЧА ИННОВАЦИОН ИМКОНИЯТЛАР

3.1. Тармоқдаги мавжуд муаммолари.

• **Хомашё борасидаги муаммолар.** Сўнгги йилларда Ўзбекистонда пахта толасига эҳтиёжнинг бир қисми импорт ҳисобига қопланмоқда. Шу билан бирга синтетик ва аралаш хомашё таклифи ички талабни тўла қондириш имкониятига эга эмас.

• **Молиявий ҳолат.** Кредит ресурслар нархининг юқорилиги ҳамда ташқи бозорларда логистика харажатларини ортиб бораётганлиги.

• **Кадрлар сиёсати.** Айрим йўналишларда, хусусан, техник-муҳандислар,

дизайнерлар, бренд менежерлари ҳамда сифат назоратчилари каби мутахассисликларда етишмовчилик кузатилмоқда.

• **Сертификатлаштириш борасида.** Ҳозирги кунда тўқимачилик соҳасидаги мавжуд корхоналарнинг фақат 16% халқаро сертификатга эга. Бу эса маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларни глобал бозорлар занжирига қўшилишида имкониятларни чекламоқда.

• **Бозор географиясининг таркиби.** Экспорт концентрациясида Россия бозорининг юқорилиги. Бу эса тўқимачилик маҳсулотлари бозорини тезлик билан диверсификация қилиш стратегик зарурат эканлигини кўрсатади.

3.2. Industry 4.0 ва инновацион технологиялар.

Глобал тенденция: CLO 3D, Browzwear каби **3D-дизайн дастурлари** орқали мукаммал, сифатли ва тижорий маҳсулотлар сонини кескин ошириш мумкин.

Levi's компанияси айнан илғор самарадорликни оширувчи дастурларни амалиётга қўллаш орқали сув сарфини 96%га камайтирган. Бунинг учун ишлаб чиыаришда **Water<Less** технологиясини жорий этган.

Adidas компанияси соҳиллар, ороллар ва қирғоқ ҳудудларидан йиғиб олинган пластик чиқиндиларни қайта ишлаш орқали турли хил тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Натижада **Adidas** нинг дунё бўйлаб **e-commerce** электрон платформаси орқали кийимлар сотуви 25%дан ошди. Айрим замонавий дастурлар тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамиз:

• **3D-Дизайн.** CLO 3D, Browzwear – виртуал прототиплаштириш. Бу дастурни қўллаш орқали бозорга чиқиш муддатини ойлардан ҳафталарга тушириш мумкин бўлади;

• **AI ва рақамлаштириш.** ERP/CRM/MES тизимлари ва сунъий интеллектдан фойдаланиш. Натижада тўқимачилик соҳасида ишлаб чиқаришни оптималлаштириш орқали яроқсиз маҳсулотлар ҳажмини 90%га камайтиришга эришилди;

• **Яшил технологиялар:** CO_2 бўяш технологиясидан фойдаланиш эвазига энергия сарфи 50%га, сув тежашни 95%га камайтирилди;

• **Техник мақсадларда ишлатиладиган тўқимачилик йўналишини ривожлантириш.** Ҳозирги кунда дунё бозорида тиббий, геотекстил ҳамда ҳимоя воситалари учун ишлатиладиган матоларига талаб кучайиб бормоқда. Таҳлилларга кўра техник мақсадларда ишлатиладиган тўқимачилик маҳсулотлар бозори 2035 йилга бориб **330,5 млрд.** долларга етиши прогноз қилинмоқда.

• **Блокчейн технологиялари.** Блокчейн технологияларидан фойдаланиш тармоқда таъминот занжири кузатувчанлигини таъминлаш билан бирга GOTS ва Organic EU сертификатлари учун шаффоф база яратилишига замин яратади.

Маълумот учун: **Глобал имконият.** Hugo Boss, Diesel, Inditex, The North Face, LC Waikiki, Pierre Cardin каби **100 дан ортиқ халқаро брендлар** ҳозирда Ўзбекистон корхоналари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон тўқимачилик йўналишидаги **технология соҳасини янгилаш бўйича дунёнинг тўқимачилиги ривожланаётган 10 та давлатлар** сирасига киради. (ITMF). Салоҳияти жиҳатидан Ўзбекистон 2021 йилдан GSP+ тизими доирасида Европа ва Буюк Британия бозорларига **имтиёзли кириш** имкониятига эга.

IV. 2026 ЙИЛДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

4.1. Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғини янада ривожлантириш учун қуйидаги мақсадлар устувор ҳисобланади:

2026 йилдаги асосий мақсадлар қаторига: Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспортини **4,0 млрд.** долларга, шундан электрон савдо платформалари орқали **700**

млн. долларга (+152%) етказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳажмини **147 трлн. сўм**га, хорижий инвестициялар ҳажмини эса **2,2 млрд.** долларга ошириш белгиланди.

3-жадвал

2026 йилги чора-тадбирлар режаси

№	Чора-тадбир	Ижрочи	Мудда т	Ҳолати
1	ERP/AI тизимлари орқали тармоқни рақамлаштириш (ПФ-4, 2026)	ИРА, IT Park	2026–2027	✓ Фаол
2	60 корхонада Better Work, BCI, FWF, Organic EU сертификатлаш	Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, Ўзстандарт	2026	✓ Фаол
3	Синтетик пряжа (207 мн тонна) ва мато (397 млн м²) ишлаб чиқариш	Кластерлар	2026–2027	Жараёнда
4	Электрон платформалар орқали экспортни $700 млнга етказиш	Миллий электрон тижорат платформалари	2026	Жараёнда
5	Замонавий тўқимачилик лабораторияси (24 йўналиш бўйича таҳлил)	Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, ОТМлар	2026	Режа
6	138 корхонани молиявий соғломлаштириш ($200 млн кредит)	ИИВТ, банклар	2026	Режа
7	100 та янги корхонани экспорт фаолиятига жалб этиш	Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги	2026	Режа

Манба: Президент матбуот хизмати ва Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги

4.2. Стратегик таклифлар

• **Экспорт географиясини диверсификациялаш.** Бунда Россия бозоридаги ортиқча концентрацияни камайтириш орқали Европа (GSP+), Яқин Шарқ (БАА, Саудия Арабистони), АҚШ бозорларини ўзлаштириш таклиф этилади. Бунинг учун Intertextile Shanghai 2026 ва TextileExpo каби халқаро кўргазмаларда «Made in Uzbekistan» ягона стенди фаолиятини кенгайтириш зарур бўлади.

• **Сертификатлаштириш жараёнини рақамлаштириш.** Сертификатга эга корхоналар улушини 16%дан 2028 йилга 40%га етказишни таъминлаш муҳим. Бунинг учун тўқимачилик корхоналари учун харажатлар компенсацияси ҳамда 24 та йўналиш

бўйича янги лабораториялар, хусусан, Better Work/BCI/FWF дастурларини ишга тушириш зарур.

• **Хомашё базасини кенгайтириш.** Синтетик ва аралаш хомашёдан фойдаланган ҳолда ички ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш. Бунинг учун импортга боғлиқликни камайтириш, нархлар рақобатбардошлигини таъминлаш зарур.

• **Рақамлаштириш даражасини ошириш:** ERP-тизимлари, AI асосли сифат назорати ва 3D-дизайн технологиялари жорий этиш ҳисобиган тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини 25-30%га ошириш.

• **Техник мақсадларда ишлатиладиган тўқимачилик маҳсулотлари турини кўпайтириш.** Бунда техник мақсадларда ишлатиладиганг тўқимачилик маҳсулотлари, хусусан, медицина, геотекстил, ҳимоя матолари ассортиментини кўпайтириш муҳим. Бунинг учун Ўзбекистон тўқимачилик соҳасида юқори қўшилган қийматли сегментларда позицияларни мустаҳкамлаш муҳим ҳисобланади.